

DAVLAT MOLIYASINI BOSHQARISH

Бозорова Сафаргул Соатмуродовна

Аннотация: Мақолада давлат молиясининг моҳияти, тузилиши ва функциялари таҳлил қилинади. Давлат молияси давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва экологик вазифаларини молиявий ресурслар билан таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Унинг асосий таркибий қисмлари давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар, давлат кредити ва давлат корхоналари молияларидан иборат. Республика ва маҳаллий бюджетлар тизими, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, бюджет даромадлари ва харажатларининг тақсимланиши ҳамда маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий мустақиллиги масалалари муҳокама қилинади. Шунингдек, давлат кредити ва унинг иқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ўрни ҳам ёритилади.

Калит сўзлар: Давлат молияси, давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар, давлат кредити, маҳаллий бюджет, иқтисодий барқарорлик, молиявий ресурслар, миллий даромад, молиявий сиёсат, иқтисодий ривожланиш.

Давлат молияси Давлат молияси мамлакат молия тизимининг асосий соҳаси бўлиши билан бир қаторда у давлатни ўз олдида турган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва экологик функцияларини амалга оширишда молиявий ресурслар билан ҳам таъминлаб туради. Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти – бу ялпи ички маҳсулотнинг қийматини ва миллий даромаднинг бир қисмини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида давлат ва давлат корхоналари ихтиёрида марказлашган ва марказлашмаган молиявий ресурсларнинг шаклланиши ва улардан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш билан бир қаторда жамиятнинг ўсиб бораётган ижтимоий, маданий тадбирларида фойдаланишдаги пул муносабатлари йиғиндисидир. Мазкур соҳадаги пул муносабатларининг субъектлари бўлиб давлат, корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва кенг аҳоли қатлами ҳисобланади. Давлат молиясининг иқтисодий тузилиши том маънода бир хил эмас, у бир-бирига боғлиқ бўлган бўғинлардан ташкил топсада, лекин бажараётган функциялари билан бир-биридан фарқ қиладиган бўғинлар йиғиндисидан иборатдир. Давлат молияси соҳасининг бўғинларига давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар, давлат кредити ва давлат корхоналари молиялари киради. Республикада давлат бюджетининг тузилиши икки бўғинлидир – бу Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар йиғиндисидан иборат. Республика бюджетидан асосан жамият аҳамиятига молик бўлган чора-тадбирлар молиялаштирилади, жумладан, марказлаштирилган инвестициялар, муҳофаа харажатлари, бошқарув харажатлари. Республика бюджетидан мамлакат миқёсидаги иқтисодий–ижтимоий масалалар ижобий ҳал қилинишига қаратилган. Бозор иқтисодиёти бюджет муносабатларида маҳаллий бюджетларга асосий урғу берилишини талаб этади. Сўнгги пайтларда маҳаллий ҳокимият органларининг кўпгина соҳалардаги мустақиллиги асосан маҳаллий аҳамиятга эга бўлган муҳим чора-тадбирларнинг ўз вақтида тўлиқ молиялаштирилишини жадаллаштиради. Жумладан, ҳудудий инфратузилмани ташкил қилишда, меҳнат ресурсларининг қайта тиклаш, аҳолининг меҳнат фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган ижтимоий тадбирлар ва ҳакозолар. Давлат молияси соҳасининг таркибий қисмидан бири бу бюджетдан ташқари фондлардир. Ҳар бир даражадаги бюджетдан ташқари фонднинг асосий мақсади – бу айрим мақсадли чора-

тадбирларни махсус ажратмалар ва бошқа манбалари эвазига молиялаштиришдир. Бюджетдан ташқари фондлар функционал мақсадларини вазифалари каби бошқариш даражасида ҳам хилма-хилдир. Функционал мақсадлари бўйича уларни иқтисодий ёки ижтимоий характерга эга бўлган фондларга ажратиш мумкин. Бошқариш даражаси бўйича эса, бюджетдан ташқари фондларни давлат ва маҳаллий аҳамияти бўйича ажратиш мумкин. Бюджетдан ташқари фондлар республика ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан бошқарилсада, ўзига хос молиявий сиёсатга ва мустақилликка эгадирлар. Бюджетдан ташқари фондларнинг хусусиятли томони шундаки, улар олдиндан маълум бир мақсадга йўналтирилади ва фақат шу йўналишларда фойдаланилади. Бюджетдан ташқари фондлар таркибига: давлат Пенсия фонди, давлат аҳолисини бандлигига қўмаклашиш фонди, давлат йўл фонди ва бошқа фондлар киради. Давлат молиясининг характерли бўлагидан бири бу давлат кредитидир. Давлат кредитининг мазмуни шундаки, бу давлат ўз харажатларини молиялаштириш учун аҳолининг, хўжалик субъектларининг ортикча молиявий ресурсларини вақтинча фойдаланишидир. Демак, бу ерда давлат қарз бермасдан, балки қарз олишидир. Давлат кредитидан фойдаланиш учун ҳукумат молиявий бозорга жисмоний ва юридик шахсларга мўлжалланган заёмлар, қисқа муддатли облигациялар, ғазначилик мажбуриятлари ва бошқа турдаги давлат қимматли қоғозларини муомалага чиқарадилар. Мамлакат ҳаётида давлат кредити иқтисодиётни барқарорлаштириш ва молиявий соғломлаштиришда муҳим рол ўйнайди. Муомаладан пул оқимини сустрлашишини олдини олишга хизмат қиладиган давлат кредити пул муомаласидаги айланишини тезлаштиради. Давлат молияси таркибида республика ва маҳаллий даражада ташкил этилаётган бюджетни ўзаро боғлиқликлари муҳим аҳамиятга эга. Бюджет муносабатлари ёрдамида давлат тузимлари ихтиёрида молиявий усуллари билан қайта тақсимланаётган миллий даромадни асосий қисми йиғилади. Турли даражадаги бюджетлар – республика, маҳаллий ҳар бири ўзига тегишли равишда республика ва маҳаллий ҳукумат бошқарув органларининг фаолиятини молиявий базасидир. Бозор ислохотлари шароитида бу бюджетлар ўзаро боғланган. Бюджет даромадлар ва харажатлар таркибидаги ҳар бир даражасини белгиланиши республика ва маҳаллий давлат ҳукумат бошқарув органларининг орасидаги функцияларини бир-биридан чегараланишига боғлиқ. Давлат умумий функцияларини амалга ошириш учун республика бюджетини ташкил этади. Республика бюджети бутун республика миқёсида иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни тўғри ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга. Унинг ресурсларини мақсади макроиқтисодий даражада ўз функцияларини бажариш учун боғлиқ бўлган давлат харажатларини молиялаштиришдир, ҳамда уни ёрдамида иқтисодиётни барқарорлаш, ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган умумдавлат чора-тадбирларини амалга оширилиши таъминланади. Бюджет муносабатлари тизимида маҳаллий бюджетларга муҳим аҳамият берилмоқда. Улар, иқтисодий жараёнларни тартибга солишда, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда, ҳудудий инфратузилмани ташкил этишда, меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш учун молиялаштиришда ва бошқаларда таъсирини кўрсатиб, борган сари кўпроқ ишлатилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси бюджет кодекси,
2. Ўзбекистон Республикаси бюджети тўғрисидаги қонуни,
3. Власова Ю.А., Абрамова А.И. Проблемы укрепления доходного потенциала региональных бюджетов в России на примере калужской области // Креативная экономика. 2015. Т. 9. № 10. С. 1255-1276.
2. Сухарев О.С. Инвестиции в транзакционный сектор и в финансовые активы: влияние на экономический рост. Финансы: теория и практика. 2020;24(3):60–80. DOI: 3.Брызгалин А.В. «Налоговая оптимизация: принципы, методы, рекомендации». –М.: 2002. С.54. “Иқтисодиёт ва инноватсион технологиялар” (Есономисс анд Инновативе Течнологиес) илмий электрон журнали <http://iqtisodiyet.tseu.uz/journal> 381
4. Пансков В., Кынзев В. «Налоги и налогообложение». Учебник. –М.: МЦФЭР. 2003. С.61.
5. Худойқулов С.К. Солиқ тушумларини прогноз қилиш методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (ДсС) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. 2019 йил. Б. 14-16; 20-21; 28-29.
6. Агзамов А.Т. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (ПхД) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. 2019 йил. Б.17-22.
7. Пардаев У.Ў. Давлат бюджетини прогнозлаштириш услубиётини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (ПхД) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. 2018 йил. Б.11-20.
8. Урмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш масалалари. Иқтисодиёт фанлари доктори (ДсС) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. <http://diss.natlib.uz>. 2019 йил. Б. 27, 218-220, 225-230.
9. Ваҳобов А.В., Срождидинова З.Х. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети. Т.: Иқтисод-молия, 2001. – 174б.
10. Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. – Т.: Фан, 2004. – 224б.
11. Маманазаров А.Б. Маҳаллий бюджетларни барқарорлаштиришда солиқларнинг ролини ошириш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. –Т.: БМА, 2002. – 22б.
12. Ҳайдаров Н.Х. Давлат бюджети. - Ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисод ва молия». 2007, – 21б.
13. Иминов О.К., Тўраев Ш.Ш. Солиққа тортишни таҳлил этишнинг долзарб масалалари. – Тошкент, “Академия», 2002. – 204б.
14. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: Академия, 2002. – 279б.
15. Маликов Т.С., Яҳёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – 230б.
16. Кобулов Х.А. Худудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш йўналишлари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. –Т.: БМА, 2006., –22б.
17. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси- Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёт уйи 2020.- 640 б.